# Маърифат

*Халқ зиёлилари рўзномаси*

*1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган*

1992 ЙИЛ 23 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

№ 9 (5606). Баҳоси сотувда 35 тийин.


## И. КАРИМОВ:
# «ИШЛАРИМНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРАМАН!»

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги истиқлол республикалари нашрларининг вакиллари бўлган журналистлар билан учрашди. Президент ҳозирги босқичда Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда олиб бораётган сиёсатга батафсил тўхталди. Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларга баҳо берилди.

Бу ғалаёнларни ўз-ўзидан келиб чиққан ғалаёнлар дейиш мумкин эмаслиги таъкидланди. Рўй берган воқеалар таҳлили, уларнинг бир маромда ривожланиши, бошқа рад этиб бўлмайдиган фактлар ана шу ифлос ишлар олдиндан тайёрланганидан далолат бериб турибди. Рўй берган воқеа кўп жиҳатдан Фарғона фожиасини эслатади. Турмушимиз, осойишталигимизни беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг демократик ўзгаришларга йўл бермаслик, халқ орасига ғулғула солиш, миллатлараро негизда тўқнашувларга олиб борадиган тартибсизликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётганликлари кўриниб турибди. Ана шу ярамас ўйинда ҳис-туйғуларга тезда берилиб кетадиган, ҳали шаклланиб улгурмаган ижтимоий муҳитдан — ёш йигитлардан фойдаланилгани бундан ҳам аянчли бўлди.

Чунончи, митингда қатнашган кишилар аввалига нарх-навонинг эркинлаштирилиши ва оширилишини тўхтатиш талаб этилган шиорларни кўтариб олган эдилар. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай ҳукумат, Олий Кенгаш ва ҳатто республика Президенти истеъфога чиқиши талаб этилган сиёсий тусдаги шиорлар ҳам пайдо бўлди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, кўчаларга чиққан йигитлар ана шу шиорлар нима мақсадда олиб чиқилганини ҳам тушунмаганлар. Ана шу йигитлар ортида ўз фикрларича аҳволни беқарорлаштириш учун қулай вазиятдан фойдаланишга интилган тажрибали «сиёсатдонлар» турганлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Бошқа нарса ҳам кишини хавотирга солади. Талабаларнинг кўп қаватли ётоқхоналарида олдиндан тошлар, металл таёқчалар тайёрлаб қўйилган эди. Президент шу муносабат билан ғалаёнларга пухта тайёргарлик кўрилгани тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Маълумотларга қараганда, бу ғалаёнлар янги йил арафасида, дастлабки умумхалқ Президент сайлови даврида бошланиши керак эди. Лекин ўшанда қора ниятли кишиларнинг режаси барбод бўлди, чунки Ўзбекистон фуқароларининг жуда кўпчилиги И. А. Каримов учун овоз берди. Собиқ иттифоқнинг мустақил республикалари ҳамда кўпгина хорижий мамлакатлардан келган талайгина кузатувчилар ҳам сайлов вақтида барча демократик меъёрларга ва қоидаларга риоя этилганини тасдиқлашди. Гарчи оппозициядаги кучлар ўз ниятларини амалга ошириш учун уринган бўлсалар-да, И. А. Каримов сайловда ғалаба қозонди. Ўша кунлари миллион-миллион сўмлаб пуллар ўртага қўйилди. Лекин Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ўзининг дадил сўзини айтди...

Шундай қилиб, 16 январь куни ҳам бошланди. Юзаки қараганда талабалар гўё ноннинг нархи жуда қимматлашиб кетганидан ғазаблана бошладилар. Аслида шундайми? Йўқ! Нархлар оширилишини ҳамма олдиндан билган, Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда бир буханка нон неча пул туришидан яхши хабардор эдилар. Ўзбекистонда эса ноннинг нархи ниҳоятда арзон белгиланган эди. Бу ғалаён ҳокимиятга интилаётганлар учунгина баҳона бўлди. Уларга шундай баҳона керак эди.

Ўзбекистон Президенти Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларни таҳлил этар экан, ғалаёнларни уюштирган қора кучлар мустақил Ўзбекистоннинг обрўсига путур етказмоқчи бўлганликларига журналистлар эътиборини қаратди. Айни ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида мустақил республикамизни халқаро ҳамжамиятга қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.


**(Давоми 2-бетда).**




## ЛИЦЕЙДА БИР КУН

**Таълимнинг янги шакл ва услубларини яратмай, янгича, қулай ўқитиш тартибларини вужудга келтирмай туриб, уни янгиланиб бораётган давр шароитига мослаштириш мумкин эмас. Тараққиётнинг диалектик қонуниятлари бизга ана шундай фикрни баён этмоқда. Мустақил республикамизда эса бу борада талайгина амалий ишлар қилиняпти, дейиш мумкин. Зеро, жойларда мактаб-лицей, мактаб-интернат, айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослашган ўқув даргоҳлари, махсус синфларнинг очилиши халқ таълими равнақи йўлида дадил ташланган қадамлардандир.**

**Янги турдаги ўқув даргоҳларида болаларнинг билимини ҳисобга олиб, табақалаштириб ўқитишга асосий эътибор қаратиляпти. Бундай услуб ҳозирданоқ ўзининг ижобий натижасини кўрсатяпти. Ана шундай манзарани Тошкентдаги 306-мактаб-лицей ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Лицейда амалга оширилаётган ишлар, асл нусхали янгиликлар билан танишмоқчи бўлсангиз, рўзномамизнинг учинчи саҳифасида ёритилган «Лицейда бир кун» сарлавҳали мақолани ўқишингиз мумкин. Унда лицейнинг ўзига хос томонлари, ҳозирги мактаблардан фарқи ва бошқа масалалар хусусида ҳикоя қилинади.**

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МАКТУБЛАР

## АВВАЛО ШАРОИТ ЯРАТИЛСА...

**Синф раҳбарининг иши жуда мураккаб ва масъулиятлилиги ҳақида илгари ҳам рўзномада ёзилган. Мен қисқа муддатли синф раҳбарлик фаолиятим давомида синфда 90 фоиз ўқувчининг уйига камида 5-6 маротаба бориб улгурдим. Ўша пайтда ўқувчиларнинг ўзлаштириши, синфхона таъмири ва бошқа баъзи масалалар юзасидан қанчалик югурганлигим сабабли уларнинг иши ҳаддан ташқари оғирлигини қалбан ҳис этдим.**

**Шу пайтгача синф раҳбарига 3, 5, 10 сўм ва, ниҳоят, 30 сўм ҳақ тўланиб келаяпти. Аммо унинг қилган ишлари, елиб югуриши учун шу 30 сўм етарлими? Йўқ, албатта! Ҳеч қандай синф раҳбари йўққи, у ўз иши ва унга олаётган маошидан қониққан бўлса. Айниқса, аёл кишига раҳбарлик қилиш оғир. Ваҳоланки, мактабда 80-90 фоиз аёллар дарс беришади. Бироқ биз бу қийинчиликлар олдида таслим бўлишимиз керак эмас. Ҳар бир соғлигига тўғри келган, синф раҳбарилигини уддасидан чиқа оладиган ўқитувчи раҳбарлик қилиши керак. Фақатгина унинг хизматларини (кўпинча уларнинг вақти шанбаликларга ҳам кетади), меҳнатини қадрлаб, раҳбарлик маошини ошириш керак. Бир ҳамкасбимиз ўз мақоласида айтганидек, ставканинг ярмини (ҳеч бўлмаганда) тўлаш керак. Ўшандагина у одам жон-дили билан, оғринмасдан синф раҳбарининг ишини олиб боради.**

**Н. ҚУРАМАТОВА.**
**Жиззах шаҳри.**

*Миннатдорлик ҳисси*

## СУКУТ САҚЛАЙ ОЛМАЙМИЗ

Бозор иқтисодиёти шароити баъзи қийинчиликларни юзага чиқариб қўйди. Бундай вазиятда кўпчиликнинг таҳликага тушиб қолаётганлиги сир эмас. Бироқ, нима бўлганда ҳам, Ўзбекистон жумҳурияти раҳбарияти мушкулликдан тезроқ қутилишнинг чора-тадбирларини кўришмоқда. Бу борада, айниқса, жумҳурият муаллимларининг оғир шароитдаги меҳнатлари биринчи навбатда инобатга олинганлиги жафокаш муаллимларни қувонтириб юборди.

Жумҳурият Президентининг бу ишидан руҳланган ўқитувчиларнинг миннатдорчилик туйғуси билан битилган мактублари таҳририятимизга ҳар куни келиб турибди. Қуйида улардан айримларини келтирамиз.

— Мард майдонда синалади, дейди донолар. Ҳа, бозор иқтисодиёти муносабатлари барча қийинчиликлар қаторида инсонни синаш даврини ҳам кўрсатмоқда. Лекин, буларнинг барчаси ўткинчи бўлса-да, ҳозирча аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Афсуски, мана шундай синовли пайтда орамиздан ўз оғзини бекорчи, иғво гаплардан тиёлмаётганларнинг чиқиб турганлиги ўқитувчи сифатида мени ташвишлантиради.

Нега?

Чунки, муаммоларнинг ҳар қадамда тиқилиб ётганлигига қарамай, жумҳурият Президенти оғирликнинг барчасини ўз зиммасига олмоқда. Жумладан, у кишининг халқ таълими соҳасида, унинг келажаги учун қилган ишлари биз муаллимларни янада дадиллантириб, ўқувчиларга замон талабига жавоб берадиган даражада билим беришга ундамоқда. Хусусан, оғир вазиятда маошимизнинг бир неча ҳисса оширилгани фикримизнинг исботидир.

**И. АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги 254-мактаб директори.**

●

— Якунланган йил жуда оғир, тарихга ёзилиб қоладиган йил бўлди, десам муболаға бўлмайди. Бу ўзгаришлар даври жумҳуриятимиз аҳли олдига ҳам бир қанча синовли тўсиқларни кўндаланг қилиб қўйдики, шу жумҳуриятнинг оддий фуқароси сифатида ундан чўчимаслик керак, дейишим мумкин. Айниқса, нарх-наво масаласи осмонда бўлган бир пайтда одамлар чўчимоқда, хилма-хил фикрлар юзага келмоқда. Тўғри, ҳозирча анчагина қийинчиликлар бор. Бироқ имкониятларни ҳам ҳисоблаб кўрган маъқул.

Эътибор беринг, ҳеч қайси мустақил жумҳурият биздаги сингари биринчи навбатда халқ таълими, хусусан, мактабга эътиборни қаратмаган. Ўқувчиларни бепул овқатлантириш, ўқитувчиларга қатор имтиёзлар бериш, уларнинг маошларини бир неча ҳисса ошириш — буларнинг барчасида фидойилик, жасурлик мужассамлашган. Унинг ижодкори эса Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бўлди. Имоним комилки, келажакда бошқа тармоқдагилар учун ҳам бундай имтиёзлар берилиши муқаррар.

**М. МИРЗАЕВ,**
**Шаҳрисабз ноҳиясидаги С. Муродов номли мактаб директори.**

●

Тўғриси, матбуотлардаги баъзи қочириқ гаплар маорифчи сифатида мени ранжитади. Марказнинг тугаб кетганлигига қарамай, ҳамон жумҳуриятимизга пайт пойлаб зимдан тош отувчилар топилиб турибди. Афсуски, улар қисқа ўйлаб, тор доирада фикр юритишмоқда. Ўзбекистон Президентининг ўз халқи, ўз юрти учун қилаётган фидокорлигини ноҳиямиз педагоглари тўла маъқуллашмоқда.

Биргина мисол. Жумҳуриятимиз мустақиллик йўлидан бормоқда. Демак, чақалоқ энди туғилди, деган гап. Уни келажакда ким ва қандай идора этади. Мана шу масалани, қолаверса, жумҳурият келажаги мактабда эканлигини тўғри англаган Президентимиз илм масканларига, шу даргоҳда меҳнат қилиб, кун кечираётганларга биринчи галда эътиборни қаратди. Энди навбат фақат уни ижро этувчи жойлардаги ташкилотларнинг мутасаддиларига боғлиқ.

**Б. СОБИРОВ,**
**Қўшкўпир ноҳия халқ таълими бўлими мудири.**

ТИЛ—ДИЛ КАЛИТИ

## ЎҚУВЧИ АРОСАТДА ҚОЛМАСИН

**Ўзбекистон жумҳуриятининг тил тўғрисидаги Қонуни эълон қилингандан буён кўпгина ижобий ўзгаришлар томон юз тутилди. Аммо, айрим муаммолар, номутаносибликлар ҳам пайдо бўлаётир. Масалан, жаҳон миқёсида қўлланилиб келаётган «республика, инженер, программа» ва шу каби бир талай сўзларнинг ўзбекчалаштирилган варианти айнан маънони бермаяпти. Ҳеч қачон «даста» сўзи «ансамбль», «нигорхона» сўзи «радио комитети» маъноларини англатмайди.**

**Биргина «институт» сўзини олиб кўрайлик: уни «илмгоҳ», «билимгоҳ», «олийгоҳ», «дорилмуаллимин» каби шаклларда қўллаб келяпмиз. Хўш, педбилим юртлари, мактаблар илмгоҳ, билимгоҳ эмасми? Бизнингча, тилимизга арабча ёки форсча сўзларни зўрма-зўраки тиқиштиравериш билан миллий қадриятларимизни тиклаган ҳисобланмаймиз.**

**Ҳатто биз ўқитувчилар ҳам айрим сўзларни қандай ёзишни ўйлаб қоладиган бўлдик. Масалан, «лагерь»ми «лагер», «октябрь» тўғрими—«ўктабир»?. Ўша ойма-ой ўқиётган ҳар хил шакллардаги китобчамиз нима—журналми, жаридами, мажаллами, ойномами? Тилдаги бир хиллик қани? Эҳтимол, баъзи гапдонлар бунга маънодошликни важ қилиб кўрсатарлар. Лекин дўппини бошдан олиб ўйлаб кўриш керак: «журнал» тушунчасини аниқ бера олмайдиган «жарида» ёки «ойнома» сўзлари унга қандай маънодош бўлиши мумкин?**

**Узун гаплардан қисқа хулосам шундай: ўқувчини ортиқча қийнаш ҳам одобдан эмас. Эски тилимизга бирданига, зўрма-зўраки эмас, жуда секинлик билан қайтмоғимиз лозим. Тилимизнинг янги, мукаммал, қатъий имло луғатини нашр этиш, шундан сўнггина тарихий сўзларимизни қўллай бошлашимиз ўринлидир. Янги имлога ўтишни ўшанда ҳатто қонун йўли билан ҳам мустаҳкамлаш мумкин.**

**Ғ. ЭШМУРОДОВ,**
**Беруний шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори*

## ЭРКИН НАРХЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЛАБАЛАР, ЎҚУВЧИ ЁШЛАР, ЎЗГАЛАРНИНГ ҚАРАМОҒИГА МУҲТОЖ БЎЛГАН ЁЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва талабалар, ўқувчи ёшлар ҳамда меҳнаткашларнинг умумий овқатланиши тизимида нархларни барқарорлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан талабалар ва ўқувчи ёшлар учун имтиёзли умумий овқатланишни жорий этиш ҳақида» 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорига мувофиқ олий ўқув юртларининг кундузи ўқийдиган талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва давлат таъминотида бўлмаган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, шунингдек юқорида кўрсатилган ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг бир марталик овқатланиш қийматини қоплашга бериладиган компенсациялар миқдори 5 сўмгача кўпайтирилсин, барча талабалар ва ўқувчиларга, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари таркибига компенсациялар стипендия ва иш ҳақи билан бирга тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин ва бунда нонуштанинг қиймати бир ўқувчи ҳисобига бир кунда 40 тийиндан 1 сўм 60 тийингача, яъни 4 баравар кўпайтирилсин.

3. Талабалар ҳамда мактаб ошхоналари ва буфетларида бир талаба ва ўқувчига бериладиган тушки овқат қийматидан воситачи ҳамда тижорат дўконларида моллар сотишдан бериладиган ажратмалар маблағи ҳисобидан 50 фоиз миқдорида чегиртма белгилансин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқ таълими вазирлиги, ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари талабалар ва ўқувчи ёшларнинг умумий овқатланишини ташкил этиш, мактаб ва талабалар ошхоналари ҳамда буфетларида бепул нонушталар ва имтиёзли овқатланиш билан таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

5. Ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларга амалдаги имтиёзлар сақлаб қолиниб, улар уй-жой ва коммунал хизматлар, жамоат транспортидан фойдаланишга (таксидан ташқари) тўланадиган ҳақдан озод қилинсин, нормаланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва врач рецептлари бўйича дори-дармонлар билан бепул таъминлансин.

Ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож ёлғиз пенсионерларни нормада кўрсатилгандек таъминлаш учун Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 28 майдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган кундалик зарур товарлар рўйхатига чекланган нархи (ўртача) 30 сўм ҳисобидан ойига минимал нормадаги 1 килограмм гўшт бепул берилсин деган қўшимча киритилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ошхона ва буфетларида тушки овқатлар қийматининг 50 фоизи, лекин ҳар бир кишига кунига 5 сўмдан ошмаган ҳолда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджетдан маблағ оладиган вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар:

овқатланиш қийматининг ҳақини тўлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этсинлар, уни ҳаражатлар сметасида алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур жамғармаларни тузиш манбаларини белгилаб чиқсинлар, бунда тасдиқланган ҳаражатлар сметасига ўзгартишлар киритишни назарда тутсинлар.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхона ва буфетларида имтиёзли овқатланишни ташкил этиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили эканлигини ҳисобга олиб, вазирликлар, идоралар, хўжалик ҳисобидаги концернлар, уюшмалар, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналари ва буфетларида ишчи ҳамда хизматчилар овқати қийматининг камида 50 фоизини қоплашга рухсат этилсин, бу ҳаражатлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилсин.

8. Тасарруфида ошхона ва буфет шоҳобчалари бўлган вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари раҳбарларининг зиммасига умумий овқатланишни тегишлича ташкил этиш учун, таомларнинг сифати ҳамда уларнинг нархи асосланган бўлиши, суиистеъмол ва талон-торож қилиш ҳолларига йўл қўймаслик учун шахсан жавобгарлик юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, савдо шаҳобчаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари ишлаб чиқариш корхоналарининг, талабалар ҳамда мактаб ошхоналари ва буфетларига чекланган нархларда ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқатлар узлуксиз етказиб берилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, «Узплодоовощвинпром» концерни, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа деҳқончилик хўжалиги ташкилотлари томонидан эркин сотиш учун ўзларида қоладиган чорвачилик маҳсулотининг 15 фоизи ва мева-сабзавот маҳсулотининг 50 фоизи ҳисобидан қишлоқлардаги умумтаълим мактабларига пастроқ нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари ажратишни ташкил этсинлар.

11. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашига Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари билан биргаликда ёлғиз ва кам таъминланган пенсионерлар, ногиронлар учун арзон нархларда ёки бепул иссиқ овқат ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган ҳамда талабаларни, ўқувчи ёшларни, ёлғиз пенсионерларни ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларни қоплаш учун зарур маблағларни излаб топсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида уч кун муддат ичида ўзгартишлар ҳамда мактаб ва талабалар ошхоналари ва буфетларида ўқувчилар билан талабаларнинг бепул ҳамда имтиёзли овқатланишини қоплаш тартибини ва чекланган нарх белгиланган айрим озиқ-овқат турларининг нархларидаги фарқни қоплаш тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида амалдаги қонун ҳамда норматив ҳужжатларни тўлдириш ва ўзгартириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Эркин нархларни белгилаш чоралари тўғрисида» 1992 йил 9 январдаги 4-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси, оммавий ахборот воситалари, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг меҳнаткашлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг умумий овқатланишини ташкил этишдаги, эркин нархлар жорий этилган шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча чораларни амалга ошириш соҳасидаги ижобий тажрибаларини кенг ёритиб борсинлар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар маҳкамаси раисининг тегишли ўринбосарларига юклатилсин.

Ушбу қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Вазирлар маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.**

## БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар 84-ўрта мактабнинг мажлислар залида 1992 йилнинг 29 январь куни эрталаб соат 10.00 да «Ўрта Осиё халқлари тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври» муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилади. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги А. Асқаров ва бошқа йирик тарихчи олимларнинг маърузаси тингланади.

Давра суҳбатига «Ўзбекистон халқлари тарихи» муаммолари билан қизиқувчи олимлар, ўқитувчилар, меҳнат жамоалари, маҳалла комитети фаоллари вакиллари ва бошқа қизиқувчилар қатнашишлари мумкин.

Бу анжуман Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-текшириш институти ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Халқлар дўстлиги майдони, 84-мактаб.

ТЕЛЕФОН: 45-43-43.

• Акс садо

## ТИЙИНЛАРДАН СЎМ БЎЛУР...

Рўзномамизнинг 7 декабрь сонида эълон қилинган «Ахлоқ дарслари» мақоласи менга манзур бўлди. Фикримча, мақолада одобнома дарси бўйича ўтиладиган мавзулар асосан тўғри режалаштирилган. Лекин тахминий режада айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, 18-мавзу «Ота-онани ҳурмат қилиш одоби» ва 29-мавзу «Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги вазифалари» ва 27-мавзу «Қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш ва қардошлик муомаласи» мавзулари бир-бирига яқин, уларни бирлаштирилса, ҳурмат ва вазифаларни чуқурроқ тушунтиришга ёрдам беради, деган фикрдаман.

Бу ўринда кўрсатилган мавзулар таркибида «Жой бериш одоби» ҳақидаги масалани ҳам киритиш керак. Бу масала узоқ ноҳияларда унчалик кўзга ташланмаса ҳам, лекин шаҳар транспортида кўзга яққол ташланмоқда. Метрода, автобус, троллейбусда кўпинча ёшлар ўзларидан катталарга ҳурмат юзасидан жой бўшатиб бермайдилар, айримлари ўзларини ухлаган ёки атрофдагиларни сезмагандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Мажлисларда ҳам айрим ёшлар тўйдагидай олдинги қаторга чиқиб ўлтириб оладилар. Катталарга жой бўшатиш ҳурмат одатини тушунтиришга катта аҳамият бериш керак.

Мавзулар рўйхатида «Ҳалол меҳнат қилиш нима? Касб ва меҳнат шарофати ҳақида» деган мавзу бор. Бу мавзуга қўшимча қилиб «Меҳнат интизоми», деган ибора қўшилишини таклиф қиламан. Чунки 10-синф ўқувчилари ишлаб чиқаришга борганларида, одоб мезонларидан бири — меҳнат интизоми масаласидир.

Рўзноманинг мазкур сонида «Оилавий ҳаёт анъаналари» номли мақолада «Исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва нонни эъзозлаш одоби» номли мавзу ҳақида сўз боради. Бу мавзуни ҳам одобномага киритиш керак. Лекин унинг номини қисман ўзгартириш лозим. Мен қуйидагича ибора таклиф қиламан: «Оила даромадларини сарфлаш одоби, исрофгарчиликка қарши кураш, тежамкорлик масалалари». Бу масалаларни тушунтирганда нонни ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек оилада сув, электроэнергия, мактабда мактаб мулклари, мебелларини авайлаш, эҳтиётлаб асрашга алоҳида эътибор бериш керак. Буларнинг ҳаммасини «Тежамкорлик одоби» деб атасак, тўғри бўлса керак.

Бундан ташқари, одобнома мавзулари орасида «Озодагарчилик одоби» тушиб қолган. Чунки озодагарчилик инсон саломатлигининг муҳим шарти. Шунинг учун бу масала 31-мавзуда алоҳида бир сўз (саломатлик) билан берилмасдан, одобномада алоҳида мавзу сифатида ўрин олиши керак. Тақриз қилинаётган методик мақолада адабиётлар рўйхати ҳам берилган. Бу ўринда мен қўшимча адабиёт сифатида 1990 йилда Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси томонидан нашр қилинган Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедовларнинг «Ҳикматнома» (Ўзбек мақолаларининг изоҳли луғати)ни тавсия қиламан. Бу китобда одобномага доир кўпчилик мавзулар билан боғланган қатор мақолларга изоҳлар берилганки, бу изоҳларнинг ҳар бири бир йўналишдаги ўнлаб мақолларни умумлаштиради ва ўқувчиларнинг мавзуларни тез ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Шу муносабат билан кўрсатилган китобнинг 351-саҳифасидан бир мисол келтирамаң. Бунда «Пул топгунча, ҳисоб топ!» мақолига қуйидаги изоҳ берилган: иқтисод ва тежамкорликка даъват этиб айтилган мақол; Ва: «Пул топгунча, ақл топ!», «Пулни берсанг пулга бер — пулинг куймас» («Пулингни сарфлайдиган бўлсанг, беҳуда зое кетадиган, ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган нарсаларга эмас, бирор ҳожатингни қондирадиган, фойда келтирадиган нарсаларга сарфла» дейилмоқчи); «Пули куйган — қалампир чайнар» (бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида юрадиган қуйидаги бир ҳикоя билан боғлиқ: «Бир ношуд, тажрибасиз, «бозор кўрмаган» саҳройи одам бозорга кириб қолибди-да, айланиб юриб, бир жойга келса, бир одам қипқизил, ялтироқ-ялтироқ нарсаларни сотиб ўлтирган экан. Ҳалиги одамнинг ҳаваси келиб, иштаҳаси қўзғаб: «Шундан олиб тўйгунча еб, бир маза қилай!» деган хаёлга борибди-да, «дунё»нинг қалампирини сотиб олибди. Кейин иккита нон билан чойхонага кириб олиб, бир чеккада ея бошлабди. Бирдан оғзи ловуллаб, кўзларининг «олови» чиқиб кета бошлабди. Яна еяй деса, олган нарсаси нақ заҳри қотилнинг ўзгинаси, емай деса — пули куйган. «Э, нима бўлса-бўлсин!» деб қалампирни чайнаб-чайнаб, пок-покиза тушира бошлабди. Унинг бу ҳолатини кузатиб турган одамларнинг кулгидан ичаклари узила ёзибди». Мазкур мақолни мажозий маънода шунга ўхшаш ношуд, бефаросат, яхши нарса нима-ю, ёмон нарса нима — фарқига бормайдиган, пул маблағларини қаёқдаги бўлмағур нарсаларга сарфлаб қўйиб, кейин ҳасрат қилиб, афсусланиб юрадиган одамларга нисбатан истеҳзо ва киноя тарзида қўллайдилар.

«Пул тугамай ақл кирмас» мақолида баъзи одам пули борида қўли очиқлик қилиб, керак-нокерак нарсаларга катта-катта сарфлаб юбораверади. Пули тугаб, арзимаган, арзонгина нарсани ҳам сотиб олишга қурби етмай, қийналиб, ноилож бўлиб бировдан қарз сўрашга, ёлворишга, ҳатто тиланчилик қилишга мажбур бўлиб қолганидан кейингина «кўзи очилади, ақли киради, пул маблағининг қадрига етадиган, тежайдиган бўлиб қолади. Мазкур мақолни одамларга нисбатан ишлатадилар.

Шунингдек, қуйидаги мақолларда «Пул топиш ўнғай, тута билиш қийин», «Ҳисобни билмаган — ҳамёнидан айрилади», «Санамаган ёлчимас», «Пулнинг онаси — тийин», «Тома-тома кўл бўлур, тийинлардан сўм бўлур». Бу мақоллар билан «Тийинингни — яъни озгина пулни назар-писанд қилмай ҳуда-беҳудага сарф қилиб юбораверма, тежаб қол ва жамғара бор», деган ғоялар ифодаланган.

Мен «Ҳикматнома» китобидан юқорида ўзим тавсия қилганим «Оила даромадини сарфлаш одоби» мавзусига алоқадор мақолларга берилган изоҳни айнан келтирдим. Бундай бир-бирига ўхшаган мақоллар «Одобнома» курсининг деярлик барча мавзуларига мослаштириб дарсда фойдаланилса, бу курснинг ўқувчиларга янада тушунарлироқ чиқишига ёрдам беради, ҳар бир мавзуда келтирилган мақоллар ва уларнинг изоҳлари узоқ вақт ёддан кўтарилмайди.

Ҳикмат СОБИРОВ,
профессор.

## МАЪРИФАТ КАЛИТИ

1809 йили Париж шаҳридаги оилалардан бирида қошу кўзи қоп-қора, думалоққина бир бола дунёга келди. Унга Луи деган исм қўйилди. Бахтга қарши, бу бола уч яшарлигидаёқ кўр бўлиб қолди.

Кўрлик азоби нима эканини билган Луи Брайл ўн олти яшар чоғидаёқ кўрларнинг ҳозир бутун дунёда қўлланиб келаётган нуқта-ҳарфли алифбесини туза бошлади ва бу хайрли ишни такомилига етказди.

Тўғри, нуқта-ҳарфли алифбе Брайлдан илгари ҳам бор эди. Лан алифбе деб аталган бу усул ўн икки нуқтанинг ўрин алмашинишига асосланган бўлиб, жуда мураккаб эди. Брайлнинг энг катта хизмати шундаки, у узоқ давом этган машаққатли меҳнат эвазига нуқталар сонини икки баробар камайтириш йўли билан кўрлар алифбосини соддалаштиришга мувофиқ бўлди.

Кўзи ожизлар алифбесининг ҳар бир ҳарфи бандли махсус игна билан тешиладиган бирдан олтитагача нуқта билан ифодаланади. Бундай нуқта-ҳарфлар бутун дунёдаги кўзи ожизлар учун бир хилдир.

Ўзбек тилидаги Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари-чи, деган савол туғилиши мумкин. Булар ҳам ўша олтита нуқта ўрнини алмаштириш йўли билан ифодаланади.

Нуқта-ҳарфли алифбе Брайл алифбоси деб ном олган.

Париждаги кўр болалар мактабида узоқ йиллар давомида ўқитувчилик қилган Брайл нуқталар ўрнини алмаштириш йўли билан ҳарфлар, сонлар, тиниш белгилари ва математик амалларни, ҳатто нота ёзувини ифодалашнинг содда усулларини ишлаб чиқди.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.



Севимли машғулот.

Ҳамкасблар ижоди

### ЧИН БАХТ

Агар юзларимда кулгуни кўрсанг,
Кўнгли шод экан, деб қилмагин хаёл.
Агар дунёда мен энг бахтли десам,
Нетай, бахтсизликни бахт деркан аёл.

Висол хаёллигин билсам-да суйиб,
Сенга юрагимни бериб қўйдим мен.
Хаёлга алданиб, бахтимга кулиб,
Қалбим йиғлади зор, кулиб қўйдим мен.

Ҳижрон туз сепганда бағримни тилиб,
Висол боли лабимни ёрди, дедим хуш.
Кечалар болишим йиғлаб чиқди хун,
Сени ёдга солиб азоб берди туш.

Сен кетдинг, қалбимда менга овунчоқ
Бир умид кўкарди, яшил бир илинж,
Мен унга интилиб яшай бошладим,
Чин аёллик бахтига очиб кенг қучоқ.

### БАХТГА ИНТИЛИБ

Бахт, сенга яшайман интилиб,
Тиконлар йўлимни тўсади.
Товонимдан оққан қонлардан
Умид аталмиш ғунча ўсади.
Висол, сени соғинаман мен,
Ҳижрон узоқ қилар йўлини.
Менга сенинг саломинг айтиб,
Шабодалар силар қўлимни.
Ҳаёт, жондан севаман сени,
Тарк этмоқлик келади малол.
Ортимда қолган ғунчалар,
Ўсаверар, кўрсатиб жамол...

Нодира СОАТОВА,

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги 8-ўрта мактаб.

## «ОРОМ» ОРОМ ЭМАС, «БЕОРОМ»

РЕПОРТАЖ

Боғча-яслига етиб келганимизда кун чошгоҳдан оққан эди. Кичкинтойлар ноз уйқуда эканлар...

Типовой қилиб қурилган икки қаватли бино кўзни қувонтирарли даражада кўркам. Боғча мудираси Муҳаррам Маматова иккинчи қаватдаги хонасига бошлади. Ечинишни таклиф қилганида, рози бўлмадик, сабаби бу ер совуқроқдек туюлди. Иккинчи қаватни кўздан кечирдик. Йўлакларга чиройли поёндозлар солиб қўйилган. Хоналарнинг барчаси кенг ва тоза. Зарур инвентарлар билан жиҳозланган ўйинхоналар, ётоқхоналарни кўздан кечирдик. Гуруҳларни айландик. Кичкинтойларни уйғотиб юбормаслик учун тарбиячилар билан оҳиста суҳбатлар ўтказдик. 6 нафар тарбиячининг барчаси махсус маълумотга эга экан. Улар болалар тарбияси учун зарур қўлланмаларнинг етишмаслиги, мавжудлари эса талаб даражасида эмаслиги тўғрисида гапиришди.

— Назаримизда, дастуримиз эскириб қолган. Янгиси бўлса эди... — дейишди.

Мен уларни мактабгача тарбия концепцияси тўғрисида фикрларини билиш учун гапга тутдим. Айримлари концепция лойиҳаси билан танишиб чиққанликларини билдиришди.

Музика зали ҳам яхшигина жиҳозланган. Чолғу асбоблари мавжуд. Медицина пунктини кўздан кечирдик. Зарур дори-дармонлар бор. Хона оппоқ, кўнгилли. Тиббиёт ҳамшираси Азиза Мирзааҳмедова ўзига ишонган, сўзамол аёл экан. У болаларга пишириладиган овқатларнинг хили ҳақида анча сўзлади.

Боғча мудираси М. Маматованинг гапига қараганда, гўшт, сариёғ, тухум, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида олиб туришган эмиш. Демак, масаланинг бу томони зўр экан.

Аммо...

Гуруҳларни айланиб чиқарканмиз, масаланинг бошқа томони дилимизни ҳуфтон қилди.

Қиш фаслининг рутубатли кунларидан бири эди. Обдон безатилган ўйинхоналарни кўрдик. Миллий бурчаклар, беҳисоб ўйинчоқлар, саранжом-саришталик хуш ёқди. Ётоқхоналарга кўз ташлар эканмиз, кўнглим бузилиб кетди. Хоналар катта-катта. Ёруғ, шинам. Дераза ромлари ҳам улкан. Пардалар осилмаган. Тирқишлар бекитилмаган. «Игнадек тешикдан туядек шамол киради», — дейишгани бежиз эмас, албатта. Очиқ ёриқчалардан қиш ҳавосининг совуқ ғазабкор нафаси уфуриб турибди. Жажжи каравотчаларда ухлаб ётган норасидалар чеҳрасида безовталик аломати зоҳир. Юз-бурунчалари қизариб кўкимтир тусга кирган. Бошларига ёстиқчалар қўйилмаган. Оддий адёл ёпинишган. Кимдир уйқу аралаш йўталди. Яна бирови эса акса урди. Хуллас, манзара ёмон. Хоналарда иссиқлик ҳарорати 15—16, 17—18° ни ташкил этади. Ундан баланд эмас. Бу ахир нормал ҳол эмас-ку? Бу гўдаклар қайси бир онаизорнинг кўз қорачиғидек арзандалари. 140 нафар ўғил-қизнинг ота-онаси кўнглидан ғашлик аримаса керак.

Боғча мудирасидан изоҳ талаб қилдик. М. Маматова: — «Иситгичлар марказлаштирилган. Бизнинг боғча-яслимизгача тортилган. Қувурлар талаб даражасида эмас. Яхши иситмаяпти», дейди.

Дераза ромларига пардалар осилмаганлиги, ёстиқчаларнинг, иссиқ пахтали кўрпаларнинг нега йўқлигини суриштирдик. «Ором»даги боғча мудираси, тиббиёт ҳамширалари, тарбиячилари нуқсонларни яширишга ҳаракат қилишарди. Бундан кимга фойдаю, кимга зарар. Шунда кўз олдимга норинлик боғча мудираси Санобар Азимова гавдаланди. Санобар опа йўқдан бор қилиб, «Булбулча» болалар боғчаси обрўсини иттифоқ миқёсига олиб чиққанди.

Бу ердагиларчи?.. Булар ҳам қаҳратон қиш кунида болаларни совуққа қолдирган ноҳия, «амалдор»ларининг, иситиш тармоғига мутасадди кимсанинг ёқасидан олишлари жоиз эди.

Бундан ҳам фойда чиқмаса, боғчани иситиш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни ишга солишлари лозим.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг ходими Фарида Темирбўлатовадан: — Фаридахон! Гапингизга қараганда ёлғиз қизингиз бор экан. Фарзандингиз шу болалар орасида бўлса нима қилардингиз? — деб сўрадим

У титраб кетди. Жавоб қайтармади. Сабаби у ҳеч қачон боласини шу болалар орасида бўлишини истамас, бунга йўл қўймас, ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди.

Кўнглимда оғриқ сездим, «Ором» болалар боғчаси ором оладиган бир гўша эмас, «беором» қиладиган жой экан.

Бу ҳолга Наманган вилояти ҳамда Наманган ноҳияси халқ таълими мутасаддиларидан изоҳ талаб қиламиз.

Зеро, «Ором» болалар боғчаси ўз номига яраша бўлмоғи лозим.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш ўринларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚАФЕДРА МУДИРИ:

— меҳнат таълими кафедрасига (фан номзоди, доцент).

ДОЦЕНТЛАР:

— сиёсатшунослик кафедрасига (1 нафар);
— БТМ кафедрасига (1 нафар);
— умумий тилшунослик кафедрасига (1 нафар).

ҚАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— психология кафедрасига (1 нафар);
— хорижий тиллар кафедрасига (1 нафар);
— табиатшунослик асослари кафедрасига (1 нафар);
— сиёсатшунослик кафедрасига (1 нафар);
— БТМ кафедрасига (2 нафар);
— ўзбек тилшунослиги кафедрасига (1 нафар);
— ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедрасига (1 нафар);
— педагогика кафедрасига (1 нафар);
— УТФ кафедрасига (1 нафар);
— рус ва чет эл адабиёти кафедрасига (1 нафар).

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— табиатшунослик асослари кафедрасига (2 нафар);
— Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасига (2 нафар);
— педагогика кафедрасига (2 нафар);
— рус ва чет эл адабиёти кафедрасига; рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасига (6 нафар);
— сиёсий тарих ва сиёсий иқтисод (1 нафар);
— ишлаб чиқариш асослари (1 нафар);
— бошланғич таълим тиллар кафедрасига (3 нафар).

КОНКУРС МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 20 КУН.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 708000, Жиззах шаҳри, Марказ 2«А», Педагогика олий билимгоҳининг кадрлар бўлими.

## ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Абдулла Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий илмгоҳида жумҳуриятнинг турли вилоятларидан бошланғич таълим методикаси бўйича малака ошириш курсига келган тингловчиларнинг «Бошланғич таълим» ойномаси ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ойноманинг бўлим мудирлари педагогика фанлари номзоди, доцент Байит Турдиев ва Маҳамаджон Аҳмедовлар тингловчиларни ойноманинг иш режаси, январь ойи сони материаллари мазмуни билан таништирдилар, уларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

М. НУРИТДИНОВА,
Г. САИДОВА.

### ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1992 йил 21 январь сонида «Ўзбекистон республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 1991—92 ўқув йилини якунлаш, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш тўғрисида» материалдаги 5-абзац 4-сатр «Даъвогар битирувчи 11- (12-синф) ўқувчиларидан адабиёт, она тили, алгебра ва...» деб ўқишни сўраймиз.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12